O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 27-noyabr • Payshanba • 140 (27.945) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир».

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР

партиялар орқали амалга ошади

Конституциямизнинг 60-моддасида «Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар» деб белгилаб қўйилган.

Шу мақсадда мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолиятини кучайтиришга қаратилган қонунлар яратилди, такомиллаштирилди. Бугун фуқаролар ўз сиёсий ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита амалга оширадилар. Сайлов ва референдумларда овоз бериб бевосита қатнашса, Олий Мажлис Сенати, давлат ҳокимияти органларини шакллантириш, айрим мансабдор шахсларни вазифасига тайинлашда билвосита иштирок этади. Жамиятда сиёсий партиялар ролининг тобора ортиб, мустаҳкамланиб бориши фуқароларнинг ана шу ҳуқуқлари амалга ошишини таъминлайди. Қолаверса, бу фикрлар хилма-хиллиги, сиёсий плюрализмни ривожлантиришга хизмат қилади. Бундай жамиятда демократик тамойиллар тобора чуқур илдиз отиб, адолатли тизим вужудга келади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги доимий ҳаракатдаги сиёсий семинарнинг навбатдаги машғулоти ана шу масалаларга бағишланди. Давра суҳбати тарзида ўтган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланган тадбир **«Давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партиялар ролининг тобора ортиб бориши фуқаролар сиёсий ҳуқуқлари тўла таъминланишининг кафолатидир»** деб номланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоят Кенгашлари депутатлари, партия Марказий Кенгаши аъзолари, экспертлари, туман, шаҳар, вилоят кенгашлари раислари, фаоллар, жамоатчилик вакиллари қатнашдилар.

Иштирокчилар мавзу юзасидан чуқур фикр алмашдилар. Масаланиинг асосий жиҳатлари ҳақида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева ва бошқалар батафсил тўхталдилар. Улар мамлакатимиз Конституцияси нафақат сиёсий, балки барча соҳадаги ҳуқуқларимизнинг мустаҳкам кафолати эканини таъкидладилар. Юртимизда истиқлол йилларида инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида чуқур ислоҳотлар амалга оширилаётгани ҳақида сўз юритилди. Президентимизнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларни янада янги босқичга кўтаргани эътироф этилди. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган конституциявий қонуннинг кучга кириши сиёсий партияларнинг жамиятдаги ролини кучайтириш учун янги ҳуқуқий майдон ва янада қулай шароитлар яратди.

— Конституциямизда белгиланганидек, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этади. Шунингдек, ўз сиёсий иродасини сиёсий партиялар орқали намоён этади, — деди ЎзХДП Чиноз туман кенгаши раиси Тўрабек Умаров. — Партиялар фаолиятининг такомиллашуви нафақат сиёсий соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, балки фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш ва кафолатли амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шу орқали давлат бошқаруви янгиланади ва адолатли тизим вужудга келади. Демак, елкамизда масъулиятли вазифалар турибди. Уларни англаш, кенг тарғиб этиш зарур. Шунда электоратнинг ҳам фаоллиги ортиб боради.

— Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси нафақат бутун дунё халқлари учун бирдек тааллуқли экани, балки ҳар бир инсон тақдирига дахлдор масалаларни бевосита ҳал этишга қаратилгани билан улкан аҳамиятга эга, — деди фалсафа фанлари доктори, профессор Нормурод Маматов. — Биз декларация қоидаларини тарғиб этишдан манфаатдормиз. Қонунни билиш мумкин, аммо унга амал қилиш, ҳаётимизга, турмуш тарзимизга сингдириб юбориш бошқа нарса. Шу сабабли биз фаоллар қонунларни ҳужжат сифатида эмас, ҳаёт тарзимизнинг узвий қисми сифатида кўришимиз, электоратга етказишимиз зарур.

Давра суҳбати иштирокчилари тўрт гуруҳга бўлиниб, олдинда турган вазифаларни амалга ошириш, тарғиб этиш юзасидан партия ташкилотлари, фаолларнинг вазифалари ҳақида баҳс юритдилар. Ўзаро савол-жавоблар асосида мавзунинг турли жиҳатлари муҳокама этилди.

Ушбу мавзу партиянинг вилоят, туман, шаҳар кенгашлари сиёсий семинарлари, бошланғич ташкилотларида ҳам ўрганилади.

Беҳзод ШУКУРОВ.
Сурат муаллифи Абдивоси ҲАЙДАРОВ

✓ Бош қомус — ҳуқуқ ва эркинлик, шаън ва қадр

КОНСТИТУЦИЯ ВА АДОЛАТ МЕЗОНЛАРИ

Ўзбекистон Конституцияси халқни эркинлик ва ижтимоий адолат, инсонпарвар, демократик давлат, кучли фуқаровий жамият барпо этишдек азалий орзусининг маҳсулидир.

Адолатли бўлиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уни амалда таъминлаш ғояларига кишилик жамиятида доимо юксак назар билан қаралган. Қадимий муқаддас қўлёзмаларда адолатнинг улуғлиги ва уни эъзозлаш ҳар бир диёнатли одамнинг муқаддас бурчи эканлиги алоҳида уқтирилади.

Адолат — кўп асрлар давомида аста-секин шаклланган ва муттасил такомиллашиб келган умуминсоний тушунчадир. У, афсуски, ҳамма даврларда ҳам тўғри тафсил қилинмаган ва ҳаётда бир хил амалга оширилмаган. Шуниси аниқки, адолат ижтимоий ҳаётга, жамият аъзоларининг ўзаро муносабатларига оид мезондир. Шу боисдан у кўпинча «ижтимоий адолат» ибораси билан таърифланади. Дарҳақиқат, адолат миллий, минтақавий эмас, умумижтимоийдир.

Ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб инсон ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигига алоҳида аҳамият бериш кучайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаолиятида халқлар ўртасида тинчлик ва хавфсизликни қўллаш, дўстона муносабатларни ривожлантириш, халқаро иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар муаммоларни тенглик ва ҳамкорлик билан ҳал этиш сингари асосий мақсадлар билан бир қаторда, инсон ҳуқуқларини амалда таъминлаш, уларни эъзозлашни рағбатлантириш вазифаси марказий ўрин эгаллади. Шу мақсадларда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси биринчи марта инсон ҳуқуқлари жамланган, уларни таъминлаш ва муҳофазалашни, БМТга аъзо бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар, барча давлатлар зиммасига юклаган оламшумул ҳужжатдир. Декларация муҳим дастур сифатида ҳуқуқий, ахлоқий, руҳий, ғоявий таъсирини йил сайин самарали кўрсатиб келмоқда. Унинг мазмуни аксарият халқаро конвенциялар, шартномаларда, шунингдек, давлатларнинг, шу жумладан, Ўзбекистоннинг миллий қонунчилигида ривожлантирилмоқда.

Декларациянинг муқаддимасида инсон ҳуқуқларининг афзалликлари ва бузилмаслигини тан олиш эркинлик, адолат ва тинчлик гарови эканлиги, уларни менсимаслик ва инкор қилиш эса, ваҳшиёна интилиш тарзида одамларнинг ҳаққоний норозилигига сабаб бўлиши таъкидланган. Ана шу мазмун Конституциямизнинг муқаддимасидан ҳам жой олган, у барчани адолатга садоқат намоён қилишга чақиради. 1990 йилгача ҳуқуқ назариясига бағишланган дарсликларда, илмий асарларда, юридик энциклопедия ва луғатларда «адолат» атамасига ўрин ажратилмас эди. Ҳатто давлат ва ҳуқуқ назариясига бағишланган 150 босма табоқдан иборат уч жилдли асарда ҳам «адолат» деган атамани учратмайсиз. Шукрлар бўлсинки, мустақилликка эришган Ватанимизда 1994 йилда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодексида адолат тушунчасига алоҳида урғу берилади. Зероки, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятининг самарадорлиги улар қабул қилган қарорларнинг одиллиги билан белгиланади.

2-бет >

БЮДЖЕТНИНГ УСТУВОР ЖИҲАТЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ ЙЎНАЛИШИ САҚЛАНДИ

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида ўн олтинчи ялпи мажлисга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни, солиқ ва бюджет сиёсатининг йўналишларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджети параметрларини муҳокама қилишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Қатнашчилар мамлакатнинг келаси йилги асосий молиявий ҳужжатини муҳокама қилар эканлар, 2009 йилги солиқ-бюджет сиёсатига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар асос қилиб олинганлигини таъкидладилар. Хусусан, иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш давом эттирилиши назарда тутилмоқда.

2009 йилги солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари макроиқтисодий барқарорликни, Давлат бюджетининг даромадлар базасини янада мустаҳкамлаш, солиқлар тўпланишини ошириш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, бюджет харажатлари ўз вақтида ва тўлатўкис амалга оширилишини таъминлаш чораларини назарда тутади.

Мажлис қатнашчилари Давлат бюджетининг ижтимоий йўналиши юксак даражада эканлигига, хусусан, фуқароларнинг даромадлари изчиллик билан ошириб борилишига, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида, шунингдек, ижтимоий ҳимоя соҳасида аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг яхшиланишига эътиборни қаратдилар. Шу билан бир қаторда 2009 йилги бюджетни шакллантиришда иқтисодиётнинг барқарор ва мувозанатли ўсишини, унинг эркинлашуви ҳамда модернизациялашувини таъминлаш, бизнесни ривожлантириш ва инвестициялар жалб этиш учун қулай шароитлар яратиш асосий жиҳат бўлиб қолди.

2009 йилги бюджет сиёсатининг аҳоли даромадлари ва фаровонлигини оширишга қаратилган устувор йўналишларидан бири бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақларини, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларни 2010 йилгача 2,5 баравар ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан қўйилган вазифа бажарилишини таъминлашдан иборат эканлиги қайд этилди.

Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг фаолиятини янада яхшилаш, ёшларни миллий ҳамда жаҳон мусиқий ва тасвирий санъатининг юксак намуналарига дохил қилиш учун зарур шароитларни яратиш мақсадида 2009 йилдан бошлаб мусиқа ва санъат мактаблари қурилишига, уларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга, шунингдек, мусиқа асбоблари ва махсус инвентарлар билан жиҳозлашга Давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилмоқда.

Давлат бюджетида умумтаълим мактабларини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилашга қаратилган давлат мақсадли дастурларини амалга ошириш учун зарур маблағлар ажратиш назарда тутилаётганлиги ҳам қайд этиб ўтилди.

Шу билан бирга, мелиорация тармоқларини реконструкциялаш, таъмирлаш ва тозалашни, камунум ерларда пахта етиштираётган фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чораларини назарда тутувчи Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини

(Давоми 2-бетда)

БУГУНГИ СОНДА:

• КОМПЬЮТЕР ТАРАҚҚИЁТМИ ЁКИ ТАҲДИД? 2

«Ўғлим инглиз тилида она тилидагидек равон гапиради, компьютерни ҳам у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқади. Эрталабдан кечгача унинг олдидан кетмайди...»

• БАРЧА МЕЪЁР ВА ҚОИДАЛАР МУЖАССАМ 3

ҳамда тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжат — янги кодекс — иқтисодий ислоҳотлар меваси

• МИНГ ДАРДГА ДАВО НЕЪМАТ 4

ёки асаларичилик муаммолари ва уларнинг ечими хусусида айрим мулоҳазалар

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ИҚТИДОРЛАР ЛИЦЕЙИ

Сурхондарё. Термиз шаҳрида қуриб битказилган янги академик лицей иқтидорли ёшларни ўз бағрига олди. Бу кўркам бино «Сантехгазмонтаж» хусусий корхонаси жамоаси томонидан қисқа муддатда бунёд этилди. Лицей қурилишига 2 миллиард 855 миллион сўм сарфланди.

— Бу масканда 795 нафар ўғил-қиз ўзлари танлаган йўналиш бўйича чуқур билим олиш имкониятига эга, — дейди лицей директори Худойберди Жумаев. — Бунинг учун зарур шароитлар яратилган. Ўқув хоналари замон талаблари даражасида жиҳозланган. Ўқитувчилар танлов асосида ишга қабул қилиняпти. Лицейимиз биноси Ёшлар йилига катта совға бўлди. Жуда чиройли қурилган.

— Ўқишимиз учун ҳамма шароит бор. Мақсадим лицейда пухта билим олиб, келгусида аниқ фанлар бўйича университетда ўқиш, — дейди Мамаюсуф Норқобилов.

Бу даргоҳ Термиз давлат университети қошидаги учинчи академик лицейдир.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ

«O`zbekiston ovozi» muxbirlari xabar qiladilar

МЕҲРИБОНЛИК УЙИДА

Жойларда Конституциямиз қабул қилинган кунга бағишланган кўплаб тадбир ва учрашувлар ўтказилмоқда. Улардан бири куни кеча Юнусобод туманидаги 31-Меҳрибонлик уйида бўлиб ўтди.

— 127 тарбияланувчини ўз бағрига олган Меҳрибонлик уйимизни Тошкент давлат юридик институти ўз оталиғига олган, — дейди Меҳрибонлик уйи директори Дилафрўз Жуманова. — Тадбирларимизга улар бош-қош. Бугунги учрашув ҳам уларнинг бевосита ташаббуси билан ўтмоқда.

— Асосий қонунимиз тарғиботига бағишланган ушбу кечада иштирокчилар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олишди, — дейди ТДЮИ ўқитувчиси Хайрулла Кўчқоров.

Жонли мулоқот, савол-жавоб тарзида ўтган кеча ниҳоясида Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига совғалар топширилди.

Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат

МАСХАР ЁҒИ истеъмолчиларга манзур бўлмоқда

Навоий. Вилоятдаги «Ванғози агроэкспорт» масъулияти чекланган жамият наинки чигитдан, масхар ўсимлигидан ҳам ёғ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бунга лизинг йўли билан Хитойдан келтирилган 230 миллион сўмлик замонавий асбоб-ускуна кенг имкон берди. Эндиликда бу ерда ҳар куни 75-80 тонна чигитни қайта ишлаш билан бирга, ёғни жаҳон андозаси даражасида тозалаш, қадоқлаш ва масхар ҳамда кунгабоқардан сифатли ёғ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Бу ҳали ишнинг бошланиши, — дейди корхона раҳбари Рустам Саломов. — Янги йилдан масхар ва кунгабоқар экинлари майдонини 1500 гектарга кенгайтириб, ишлаб чиқараётган маҳсулотимиз ҳажмини икки баробарга кўпайтиришни ният қилганмиз. Бу — янги иш ўринлари, дегани. Ёшлар йилининг ўзида 42 та янги иш ўрни яратдик. 2009 йилда яна шунча иш ўринлари очилади...

Музаффар ШАРОПОВ

КОНСТИТУЦИЯ ВА АДОЛАТ МЕЗОНЛАРИ

«Жиноят процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари, — дейилади Кодекснинг 2-моддасида, — жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга нисбатан адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир».

Ҳаётнинг барча соҳаларида одамлар тенг ҳуқуқли бўлиши, талаб ва эҳтиёжларни мувозанатда сақлаш, худбинликдан ўзини асраш ва бошқаларга зарар бермаслик — адолатнинг энг биринчи талабларидандир.

Адолат тушунчаси умуминсоний моҳиятга эга бўлиб, жамият ҳаётининг моҳиятига бевосита алоқадордир. Бинобарин, адолатга асосланмаган, унга риоя қилмаган ҳар қандай

(Давоми. Боши 1-бетда)

кимса жазога муқаррар бўлишини таъминламаган жамият ҳеч қачон мустаҳкам ва қудратли бўла олмайди.

Президентимиз «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоб бериб, таъкидлаб айтади: «Буюк аждодимиз юксак тараққий топган давлат барпо этгани ва бу мамлакатда «Куч — адолатда» деган бош шиори давлат сиёсатининг, жамият ҳаётининг асоси бўлганини яхши биламиз. Бу ғоя одамларга куч берган, уларда инсоф-диёнатга, эзгуликка ишонч уйғотган. Чунки жамиятда адолат барқарор бўлса, миллат, халқ ҳеч қачон йўлидан адашмайди, эртами-кечми фаровон турмушга эришади. Менинг раҳбарлик лавозимида меҳнат қилган тажрибамдан чиқарган энг муҳим ҳаётий хулосам шуки, адолат биз қураётган жамиятнинг мезони бўлмоғи даркор».

Дарҳақиқат, адолат бахт, эркинлик ва тенглик каби умуминсоний ғоялар тизимида алоҳида ўрин эгаллайди. У кундалик ҳаётда шахснинг одобига баҳо беришда ҳам қўлланилади. Шахс ўзи учун ҳам, ўзга учун ҳам фойдали шарт-шароитларга эътибор бермоғи, уларнинг камайиб кетишига йўл қўймаслиги шарт. Ўз халқига эътибор бериш, бошқаларни ҳурмат қилиш, эзозлаш адолатли шахсга хос хислатдир. «Қилмиш-қидирмиш», «Ўзингга раво кўрмаганни бошқага ҳам раво кўрма» қабилида иш тутиш оилада ҳам, мактабда ҳам, ишхонада ҳам ижобий натижа беради. Айниқса, катта-кичик маъмурлар, ваколатли лавозимдагилар бошқалар билан муомалада доимо одил бўлишни унутмасликлари, уларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатишда, мукофотлаш ва тартибга чақириш чоғида камситмаслиги, эътиборли бўлишлари талаб қилинади.

Ҳуқуқ соҳасида адолат эса нафақат асосий, балки қонун устуворлигига эришишнинг қудратли воситаси, ҳуқуқни ҳимоя қилишга қаратилган фаолият ва суд ҳокимиятининг бирдан-бир, ягона негизидир. Конституциямизнинг 14-моддасида адолат инсон ва жамият манфаатларига хизмат қилувчи давлат ҳокимиятининг муҳим тамойили сифатида акс эттирилган.

Қонунлар ҳуқуқий воқелик сифатида худди иқтисодий, сиёсий, маънавий воқеликлар сингари адолат тарозисида ўлчанмоғи керак. Нотўғри ифодаланган адолатсиз қонунлар жамиятни ларзага солиши мумкинлигига мисоллар кўп. Чунончи, СССР МИҚ Раёсатининг «Террористик актларга тайёргарлик ва уларни содир этиш бўйича ишларни юритиш тартиби тўғрисида»ги 1934 йил 1 декабрь қарори Раёсатнинг 28 аъзосидан фақат тўрттасининг фикри билан қабул қилинган ва оммавий қирғинларга «юридик асос» сифатида 20 йилдан зиёд давр мобайнида фойдаланилган. Таассуфки, ўша давр ҳуқуқшунослигига «раҳнамолик» қилган «даҳо»лар қонунларни «четга суриб қўйиш»га даъват этган эди. Аслида бу даъват тузум манфаати ва партия «йўл-йўриқларига» халақит бериши эҳтимол бўлган қонунларни кўзда тутганди.

Бинобарин, қонун ҳам, унинг амалиёти ҳам, жамиятда рўй берадиган ҳар қандай низо ва адолатсизликларга барҳам бериши керак.

Қолаверса, адолатли бўлишга эришиш халқ осойишталигининг муҳим кафолатидир. Бу йўлда барча ўз ҳиссасини қўшиши, бурчини ҳалол бажариши, масъулиятини унутмаслиги талаб қилинади.

Конституциямизнинг эса ҳар бир моддаси ижтимоий адолат мезонларини мустаҳкамлаш ва уларга қатъий риоя қилишга қаратилганлиги билан янада қадрлидир.

Ғофур АБДУМАЖИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби

БЮДЖЕТНИНГ УСТУВОР ЖИҲАТЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ ЙЎНАЛИШИ САҚЛАНДИ

яхшилаш дастурини амалга ошириш тадбирларини молиялаш ҳажмларини кўпайтириш режалаштирилмоқда.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаш ва уларнинг жадал ривожланишини рағбатлантириш мақсадида улар учун ягона солиқ тўловининг амалдаги таянч ставкасини 8 фоиздан 7 фоизга тушириш таклиф қилинмоқда. Хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг белгилаб қўйилган даромад солиғи миқдорини камайтириш ҳам назарда тутилмоқда.

Ушбу чораларнинг қабул қилиниши янги иш ўринлари яратилишига, аҳолининг иш билан бандлиги ва унинг фаровонлиги ошишига ёрдам беради, якка тадбиркорлик билан машғул

(Давоми. Боши 1-бетда)

кишилар кўпайиши ҳисобига солиқ солинадиган базанинг кенгайиб бориши кучаяди.

Келаси йилда Давлат бюджетининг ғазна ижроси механизмини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан ўз ўрнида фойдаланилишини самарали ва таъсирчан назорат қилишни таъминлаш, бюджетдан ажратилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини берадиган норматив молиялаш усулларини қўллашни кенгайтириб, харажатларни мақбуллаштириш ишлари ҳам давом эттирилади.

Муҳокама якунлари бўйича сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджетини маъқуллаш ҳамда уни Сенатнинг ўн олтинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Қўмита мажлисида сенаторлар, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

(ЎзА)

ҚИШКИ МАВСУМГА ШАЙ

Юртимизда қишки мавсумга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етди. Айниқса, кўпқаватли уйлар, мактабгача таълим муассасалари, билим даргоҳлари, шифо масканлари биносини иситиш ишларига катта эътибор берилди. Жумладан, Фарғона вилоят «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси жамоаси ҳам тайёргарлик ишларини пухта бажарди. Жорий йилда 247 та кўпқаватли уй, 80 дан ортиқ ташкилот ва корхоналарга хизмат кўрсатиш учун шартномалар тузилган.

Суратда: муҳандис Зоиржон Зияев ва кимё муҳандиси Саиджон Отахонов.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Ўзбекистон ХДП Қарши шаҳар кенгаши Кардиология, вилоят 1-, 2-болалар, Тиш касалликлари шифохоналарида халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари иштирокида «Шифокорлар — партиямиз электорати» деб номланган учрашув ва давра суҳбатлари ўтказди. Уларда депутатлар Абдусалом Ўроқов, Муборак Элмуродовалар сўзга чиқиб, партия дастурий мақсадларини амалга оширишда тиббиёт ходимларининг ўрни ҳақида фикр юритдилар. Партиянинг шифокорлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган дастурий мақсадлари ҳақида тўхталдилар.

Нишон туман кенгаши ташаббуси билан Марказий шифохонада ўтказилган тадбирда туман партия кенгаши раиси Хўжақул Махсимов шифокорлар ҳукуматимиз томонидан яратилаётган имкониятлардан кенг фойдаланиб, эл саломатлигини сақлаш тизимини янада такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшишлари зарурлигини таъкидлади. Партия етакчиси ва электорат вакиллари ўртасида қизғин савол-жавоблар бўлиб ўтди. БПТ раиси, шифокор А.Халилов шифохонада партиямиз хайрихоҳлари, тарафдорлари тобора кўпайиб бораётганини таъкидлади.

Бўстонлиқ туманидаги Товоқсой иқтисодиёт ва тадбиркорлик ҳамда Ғазалкент маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежларида ЎзХДПнинг Ёшлар йилидаги фаолияти ва амалга оширилаётган ишларига доир давра суҳбатлари ташкил этилди. Мустақиллик йилларида талабалар ва ёшларга берилаётган эътибор, яратилаётган имкониятлар тўғрисида фикр юритилди.

Ана шундай тадбирлар Оҳангарон туман кенгаши ташаббуси билан Иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги ҳамда Автотранспорт ва хизмат кўрсатиш, Юқори Чирчиқ туман кенгаши ташаббуси билан Иқтисодиёт касб-ҳунар коллежларида ҳам ташкил этилди.

ЎзХДП Наманган шаҳар кенгаши томонидан Тиббиёт коллежида «Шарафли касб эгалари» мавзуида бадиий кеча ташкил қилинди. Унда шаҳардаги бир гуруҳ илғор тиббиёт ходимлари, коллежнинг фахрий устоз ва мураббийлари ҳамда фаол талабалар иштирок этдилар. Шаҳар партия кенгаши раиси М.Турғунов фаол ҳамширалар ва талабаларга Фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари топширди.

Уйчи туман партия кенгаши «Шифокор — эл дардига дармон» деб номланган учрашув ўтказди. Унда тиббиёт соҳаси фахрийлари, ходимлари, жамоатчилик вакиллар ҳамда фаол ёшлар иштирок этдилар. Икки авлод учрашувига айланган тадбирда жонкуяр тиббиёт ходимлари Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот хизмати

Долзарб мавзу

КОМПЬЮТЕР ТАРАҚҚИЁТМИ ЁКИ ТАҲДИД?



«Ўғлим инглиз тилида она тилидагидек равон гапиради, компьютерни ҳам у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқади. Эрталабдан кечгача унинг олдидан кетмайди...»

Танишим фарзандини шундай таърифлади. Тўғри, замоннинг ўзи янги технологиялар, жумладан, компьютердан фойдалана олишни талаб этмоқда. Аммо ҳар нарсанинг иккинчи томони борлигини унутмаслик керак.

Дунёда юз бераётган сўнгги воқеалар компьютер атрофида янги муаммолар юзага келтираётгани ва ёшлар унинг салбий таъсирига тушиб қолаётганини кўрсатмоқда. Виртуал муҳит ижтимоий муҳитдан тубдан фарқ қилади. Шу боис, унинг руҳий-тарбиявий жиҳатлари кенг жамоатчилик орасида хавотирга сабаб бўлмоқда. Компьютер ўйинлари ёхуд интернетнинг нохуш таъсири реал ҳаётга таҳдид солаётгани тўғрисида онда-сонда эшитганмиз. Аммо бундай нохуш оқибатлар ва ёшларнинг виртуал ҳаёт таъсирига тушиб қолиш сабаблари ҳақида жиддий ўйлаб кўрганмизми?

— Бу ҳолат жаҳон тиббиётида психиатриянинг янги йўналишига асос солди, — дейди психология фанлари номзоди, доцент Наргис Бобожонова. — Чунки компьютер ёнида соатлаб михланиб ўтиришнинг наркотик моддалар ва алкоголга берилишдан деярли фарқи йўқ. У «касаллик»ка айланади ва талабни қондириш учун инсон вақтини ҳам, пулини ҳам аямайди. Фанда «кибермания» (компьютердан патологик фойдаланиш) деб аталмиш компьютерга муккасидан кетиш букрилик ва кўзнинг қуруқлашишига олиб келади. Компьютерсиз ҳаётини тасаввур қилолмайдиган беморлар Россияда аҳолининг икки, Америкада эса беш фоизини ташкил этади. Мамлакатимизда ҳам компьютер хизматлари жадал ривожланаяпти. Аммо шу жараёнда масаланинг иккинчи томонидан огоҳ бўлишимиз керак. Чунки муаммо бизга ҳам таллуқли.

— Компьютер ўйинлари бола руҳиятига мутлақ зарар деб бўлмайди албатта, — дейди «Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман бўлими қошидаги Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази директори Гулбаҳор Азимова. — Аксинча, фикрлаш қобилиятини ўстирадиган ўйинлар унинг интеллектуал ривожи учун зарур. Бироқ назоратсиз, тўғри келган ўйинни ўйнайверишнинг оқибати яхши эмас.

— Нима сабабдан бола ҳаракатли ўйинлардан кўра виртуал ўйинлар (тасаввурдаги тўқима ўйин)ни афзал кўряпти? Бу уни ялқовликка ўргатмайдими?

— Мулоқот қилиш эҳтиёжи болани компьютер оламига бошлайди. Ҳадеб савол бериш, суриштириш, гапириб беришни илтимос қилиш – буларнинг бари боланинг маҳмадона ёки гапдонлигидан эмас, балки сиз билан руҳий мулоқот ўрнатишга интилиши, сиздан мадад сўрашидан далолат беради. Уни ўраб турган олам, одамлар ҳақида мунтазам ва холис маълумот бериш, боланинг ҳаётидаги воқеаларни тўғри шарҳлаш, уни қийнаётган масалалар билан қизиқиш ҳамда тўғри қарор қабул қилишига кўмаклашиш ота-она зиммасидаги энг муҳим вазифа. Афсуски, аксарият ҳолларда ота-оналар фарзандининг бу эҳтиёжини нотўғри тушунади.

Болага эътибор жуда ҳам керак. Компьютер билан мустаҳкам дўстлашган бола келажакда компьютер дастурларини яратадиган мутахассис бўлиб етишади, деб ўзингизни овутарсиз. Аммо ундай эмас! Дастурлашни ўрганиш учун, аввало компьютер ўйинларидан воз кечиш даркор!

Шитоб билан ривожланиб бораётган замонда интернет ва компьютер хизматларидан фойдаланмасликнинг иложи йўқ. Аммо ёшлар орасида янги хизмат турига қизиқишнинг меъёридан ортиши қимматга тушаяпти.

2005 йилда Жанубий кореялик 28 яшар кибермания «асир»и тўхтовсиз 50 соат компьютер ўйинларини ўйнаб, юрак хуружидан ҳалок бўлди. NEWSru.com хабарига кўра, бу воқеа Тэгу шаҳридаги интернет-кафеда рўй берган. 3-6 август кунлари монитор қаршисидан деярли турмаган бу йигитнинг ўлимини мутахассислар ҳаддан ташқари асаб толиқиши оқибати деб изоҳладилар. Мархумнинг ҳамкасбларидан интервью олган JoongAng Ilbo газетасининг ёзишича, у компьютер ўйинларини ўйнаш учун атай ишдан бўшаган. Бу — компьютер ўйинлари келтириб чиқарган шундай ягона ҳодиса эмас.

— Компьютердан фойдаланиш учун ҳеч қандай тайёргарлик, талабларга жавоб бериш ва рухсат керак эмас, — дейди информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фани ўқитувчиси Акром Файзиев. — Иккинчидан, ёш авлодда доимо янгилик, тажриба ва билимга қизиқиш катта. Улар компьютер воситасида ўзини ҳаётнинг ичига кириб бораётгандек ҳис этади. Ёшларнинг қизиқувчанлигидан, афсуски компьютер ўйинлари муаллиф ва дизайнерлари бизнес мақсадида фойдаланмоқда. Виртуал ўйинларга қизиқувчиларга ҳурмат билан қараш ва холис бўлиш — бугун глобал тармоқдаги айрим сайтлар муаллифларига ҳам етишмаётган хусусиятдир. Сўнгги йилларда бемаъни ўйинларнинг ишқибозлари кўпайиб бораётганини кўра-била туриб, сукут сақлаш инсофдан эмас.

Фарзандингиз ўйнаётган ўйинлар сизга ёқмаяптими? Ана шу ўйинлар сотиладиган дўконга кириб, ўзингиз ва болангиз талабига мос ўйинни харид қилинг. Эски ўйинларни компьютер хотирасидан ўчириб, дискини ташлаб юборинг. Фарзандингизга янги диск олишдан аввал сиз билан маслаҳатлашиши кераклигини тушунтиринг. Вақти чекланган ўйин дастурлари ҳам муаммони ечишга ёрдам беради. Уларни мутахассислар билан маслаҳатлашиб, компьютерга ўрнатиш мумкин.

Ахборот, ҳатто виртуал ўйинлар ҳам ҳеч қачон соф ҳолда бўлмайди. У албатта бирон-бир ғояга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам фарзандларимизни компьютер қаршисида назоратсиз қолдириб бўлмайди.

— Мен виртуал дунёни ҳар икки ўлчамда кўраман, — дейди Наргис Бобожонова. — Ёлғиз инсонларга виртуал мулоқот зарур ва фойдали. Аммо тўрт мучаси соғ, мустақил мулоқот қилишга лаёқатли кишиларга уни тавсия қилмайман. Ёшлар бўш вақтида дўстлар даврасида бўлиши, чет тилини ўрганиши, спорт ёки санъатнинг бирор тури билан шуғулланиши яхши, аммо зерикканда компьютер олдига чопиб келавериш ярамайди. Компьютердан мақсади аниқ одамлар кўпроқ фойдаланиши керак. Акс ҳолда, у инсон вақтини беҳудага ўғирлайди.

Пойтахтдаги кўпгина интернет-кафеларда бўлганимизда, бу фикрлар қанчалик ҳақиқат эканига қайта-қайта амин бўлдик. Жон-жаҳди билан қийқириб, отишма, ваҳшийлик, бузғунчилик тарғиб этилган ўйинларни ўйнаётган болалар уларни кузатаётганимизни ҳатто пайқамади ҳам.

— Кунига неча соат компьютер ўйнайсан?

— Ота-онам ишдан қайтгунича, тахминан уч-тўрт соат.

— Онамнинг ўзи «бор, ўйнаб кел», деб мени кўчага чиқариб юборади, — дейди болаларнинг яна бири.

— Шу ўйинни ўйнамаслигинг учун сенга нима керак?

— Ҳамма болалар ҳар куни компьютер ўйнайди, мен ҳам ўйнасам, нима бўпти?

Интернет-кафедаги иш бошқарувчи қонуний фаолият юритаётганини рўкач қилиб, мижозлар ва уларга таклиф қилинаётган виртуал ўйинлар ҳақида маълумот беришдан бош тортди. Деворга «Сўкиш, беҳаё сайтларга кириш тақиқланади!» деган огоҳлантириш осилганига қарамай, ўсмирлар бақир-чақир қилишда давом этмоқда. Яна бир гавжум интернет-кафе эгаси: «Болалар ўзи хоҳлаб келса, пулини тўласа, мен уларни ҳайдаб чиқарайми», деди.

Сир эмас, кўпинча бола учун биринчи дўст ва вақтни чоғ ўтказиш воситаси — телевизор. Тадқиқотлар кўрсатишича, айнан телевизордан қандай фойдаланиш кейинчалик компьютерга муносабатни шакллантиради. Меъёр борлигини тушунган бола қоидага ўз-ўзидан амал қилади. Истаганча телевизор кўриш ёки компьютердан фойдаланиш мумкин эмаслигини шунчаки айтмасдан, бу фикрни изоҳлаб бериш бола учун ўта муҳим.

— Компьютер ўйинларини меъёридан ортиқ ўйнашнинг салбий оқибатлари талайгина, — дейди психолог Гулнора Акмалхўжаева. — Биринчидан, ҳаракатли ўйинлардан фарқли равишда виртуал ўйинлар ахлоқий меъёрларни менсимасликка олиб келади. Бунда очко йиғиш ҳамма нарсадан устун туради. Иккинчидан, экрандаги «душман»ни отиб ташлаган бола унга заррача ачинмайди, аксинча, истаганини амалга ошираётганидан боши осмонга етади. Бу тарбиясига таъсир қилмай қолмайди. Табиий ҳаёт болага ўз таъсирини ўтказади, виртуал муҳит эса аксинча, уни бошқариш мумкин. Айнан шу ҳолат соатлаб, кунлаб компьютер қаршисида ўтиришга олиб келади. Ўйинларнинг соддалиги, бир қолипда экани инсонда ижодий ва интеллектуал фикрлашни чеклайди. Чунки виртуал ўйинлар фақат ўйновчининг истак-хоҳишларини амалга оширишга қаратилган. Бу худбинликни юзага келтиради. Ўйиндаги объектларга муносабатни бола кейинчалик ҳаётда қўллаши ҳеч гап эмас. Олимлар Diablo, Postal, Counter-Strike, Doom Ultimate, Qvake, Unreal каби ўйинлар инсон характерида тажовузкорликка мойиллик туғдиришини исботлашди.

Яна бир нохуш оқибат шуки, ҳақиқий ҳаёт монитордаги ўйинга ўхшамаслигини англаб етган ўсмир тушкунликка тушиши ва реалликдан узоқлашиши мумкин. Чунки севимли ўйинини тўхтатиб, ота-она айтган вазифани бажариш унинг тасаввурини чилпарчин қилади. Бу интровертлик (одамови) ва ҳатто аутизм (руҳий касаллик)га олиб келиши мумкин. Шунингдек, компьютер олдида ўтириш ҳаракатни чеклайди. Яқин-яқингача болалар ўйин майдончалари гавжум бўларди. Энди-чи? Сийраклашиб бораётганини сезяапсизми?..

Виртуал ўйинлар болани асир олади, кўчага чиқмай хонада соатлаб ушлаб туради. Уни ҳеч нима билан шуғулланмасликка олиб келади. Бу маънавий таназзулнинг ўзига хос яширин кўринишидир.

Ушбу масалани ўрганаётган вақтимизда **М.В.Ломоносов номли Москва давлат университети клиник психология бўлим мудири Александр Тхостов**нинг Тошкентга келганини эшитдик ва унинг ҳам бу борадаги фикри билан қизиқдик.

— Бу — жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган муаммо. Аввал Ғарб давлатлари, ҳозир Россияда ҳам айнан компьютер ўйинларига ғарқ бўлган болаларни ва катталарни даволовчи шифохоналар ишга тушган.

Виртуал муҳит келтириб чиқарадиган энг ёмон иллат — бу атроф-муҳитга бефарқлик ва лоқайдлик, чарчаш, иммун тизимининг сусайиши. Айниқса, ўқувчи ва талабалар бедор ўтган тунлардан сўнг қандай дарс қилиши ва ўқиши мумкин?

— Ўзингиз компьютердан фойдаланасизми?

— Албатта. Унутмаслик керакки, компьютер ҳам бир восита, холос. Болға билан қуриш ҳам, бузиш ҳам мумкин. Ҳар бир ютуқнинг ўз йўқотиши бўлади. Сўзсиз виртуал дунё — бу уммон. Хулқ-атвори ҳали шаклланиб, эътиқоди мустаҳкам бўлмаганларнинг қайиғи бу уммонда осон ғарқ бўлади. Менимча, шахсияти заиф бўлганлар (болалар) бу хатарли саёҳатга чиқмагани маъқул. Инсоният бу янгиликка тўғри ёндашув ва кўникмани шакллантиришига анча вақт керак. Ахир биринчи кашф қилинганда телефон, телевидение ва видео ҳам тушунмовчиликларга сабаб бўлган...

Пенсильвания университети олимларининг кузатишича, америкаликлар ўз компьютерларига инсон билан муносабат қилгандек муносабатда бўлар экан (соғиниш, зерикиш, қайғуриш). Психологлар бу ҳолатга чек қўйиш учун уларга шундай маслаҳат бермоқда: «Компьютернинг ақл-фаросати йўқ. У мураккаб, жонсиз предмет, фақат берилган буйруқнигина бажаради».

Мутахассисларнинг эътироф этишича, баъзи компьютер ўйинларини яратиш учун сарфланадиган сарф-харажатга бемалол бир фильмни суратга олиш мумкин. Шунга қарамай, компьютер ўйинларидан бизнес қилувчи хорижий тадбиркорлар болалар онгини заҳарловчи кўпдан-кўп ўйинларни яратишда давом этмоқда. Олайлик, пойтахтимизда юзлаб компьютерхоналар ва уларнинг доимий мижозлари бор. Ахборот муҳити мўътадиллашиши, қонун-қоидалари яратилиши, виртуал ўйин муаллифлари ва интернет-кафе эгаларининг инсофга келишини кутишдан кўра, ўзимизнинг мавжуд имкониятларимизни ишга солишимиз, ёшларни огоҳликка чақиришимиз зарур, деган фикрдамиз.

Гулгун СУЛТОНОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАҲРИРИЯТДАН: *назаримизда, ушбу мақолада кўтарилган масала, билдирилган фикрлар кўпчиликни эътиборсиз қолдирмайди. Компьютер кашф этилишининг аҳамиятини инкор этмаган ҳолда, унинг хавф-хатарига ҳам лоқайд қараб бўлмайди, деб ўйлаймиз. Мазкур масаланинг баҳсталаб жиҳатлари кўп, албатта. Шунинг учун ҳам мавзуни давом эттирамиз, мутахассислар, ота-оналар ва ёшларнинг фикр-мулоҳазаларини кутамиз.*

✓ Солиқ ва ҳаёт

БАРЧА МЕЪЁР ВА ҚОИДАЛАР МУЖАССАМ

ҳамда тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжат — янги кодекс — иқтисодий ислоҳотлар меваси

Яқинда тоғли овуллардан бирида қишлоқ мактаби ўқитувчиси билан бўлган суҳбатимиз асосида у солиқ ва солиқ янгиликлари, хусусан Янги Солиқ кодексидаги муҳим ўзгаришлар ҳамда унинг аҳамияти, моҳияти ҳақида кенгроқ тушунча беришни сўраб қолди. «Чунки — деди у сўзи охирида, — ҳозир мактабда ҳам ўқувчиларга солиқларнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни тўғрисида махсус дарс соатлари ўтаяпмиз. Бугунгача уларга кодексда белгиланган меъёрлар ва газета ҳамда журналларда чиқиб турган материаллар мазмуни ҳақида тушунчалар бераяпмизу, лекин назаримда бу етарли эмас. Сизнинг газеталарда, аниқроғи, «Ўзбекистон овози» газетасида солиқ ҳақида ёзаётган мақолаларингизни кўп ўқиймиз. Бугун ўз ёғингиз билан келиб қолибсиз, янги Кодекснинг аввалгисидан фарқ қиладиган жиҳатлари ҳақида батафсилроқ тушунча бермасангиз, деган илтимосимиз бор».

Ушанда суҳбатдошимиз илтимосига кўра, мен ҳам, шериклларим ҳам даврадаги ҳолатга баҳоли қудрат жавоб бердиг-у, кўнглимда бу мавзуда алоҳида бир мақола ёзиш истаги туғилди. Тошкентга қайтгач, шу йил 14 ноябрь куни «Ўзэкспомарказ» биносида «Янги Солиқ Кодекси — иқтисодий ислоҳотлар меваси» мавзуида кўргазмали семинар бўлиб қолди. Хаёлимга семинарда қатнашиб, унда айтилган гаплар, қилинган маърузалар тафсилотлари билан истагимдаги мақоламни ёзиш нияти уйғонди.

Анжуманни бошқарган қўмита раиси Б.Парпиев маърузаси ва қўмита Ахборот хизмати мутасаддилари маълумотларидан билдимки, тизимда шу йил 1 январидан кучга кирган Янги Солиқ Кодексимиз бугун фаол ишламоқда. Буни кўргазмали семинарга қўйилган ёрқин лавҳаларда, унда оммавий-ахборот воситалари ходимлари учун тарқатилган мавзуга оид материаллар баёнида ва иштирокчиларнинг саволларига берилган жавобларда ҳам кўрса бўлади.

Аввало, шуни айтиш керакки, анжумандан кутилган асосий мақсад — боя айтганимиздек, жорий йил бошидан амал қилиб келаётган Солиқ Кодексида тадбиркорлик фаолияти учун қайд этилган шарт-шароит ва бошқа қулайликлар солиқ тўловчилар учун амалда қандай самара бераётганини биргаликда муҳокама қилиш ҳамда бу борада билдирилаётган таклифлар, мулоҳазалар устида фикрлашишдан иборат бўлди.

Дарвоқе, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси аввалгисига нисбатан сифат жиҳатдан ривожлантирилиб, солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи барча меъёр ва қоидаларни мужассамлаштирган тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжатга айланди. Унда халқаро меъёрларга мос келадиган, ўз тажрибамиз билан текширилган солиқ солишнинг мажбурийлиги, аниқлиги, адолатлилиги, ягоналиги тамойиллари белгилаб берилган. Ва, аввалгисидан фарқли ўлароқ, солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципи киритилган. Ушбу принципга асосан, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин қилиниши белгилаб қўйилган. Шунингдек, Кодексда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилиб, аввалгисидан фарқлироқ, уларга ўз манфаатларини шахсан ёки вакили орқали ифода этиш ҳуқуқи берилган.

Кодексда барча солиқлар ва мажбурий тўловлар фақат ва фақат қонунчилик ҳужжатлари билан жорий қилиниши назарда тутилган. Бунда, солиқлар, мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар ҳам қонунчилик ҳужжатлари ва Президент қарорлари билан ўрнатилиши белгиланган. Аввалгисидан яна фарқли равишда, солиқ назоратининг шакллари ва амалга ошириш тартиби, шунингдек, солиқ органлари қарорларини тартибга солувчи бўлимлар ҳам киритилди. Жумладан, «солиқ назорати» қисмида «камерал назорат» моддаси, шунингдек, «хронометраж» кўзда тутилган бўлиб, уларни ўтказиш тартиби, муддатлари, даврийлиги ҳамда ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар кўрсатиб ўтилган. Мазкур меъёр текширувгача таҳлил ўтказиш ҳамда солиқ қонунбузарликларини тезкор аниқлаш ва бюджетга минимал йўқотишлар билан бартараф этиш имконини беради. Бу — солиқ тўловчилар солиқ мажбуриятларини молиявий жарималарни қўлламасдан бажаради, яъни уларга яна бир қулай шароит ва имкон яратади деганидир.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида Солиқ Кодексининг амалий ижросини диққат билан ўрганиш, унинг қандай шароитларда самара бераётгани, қайси ҳолатларда эса уни янада такомиллаштириш ёки тузатиш киритиш зарурлигини аниқлаш жуда муҳимлигини алоҳида таъкидлаган. Ушбу вазифа ижроси учун Давлат солиқ қўмитасида малакали мутахассислардан иборат доимий фаолият юритувчи ишчи гуруҳи тузилди ва унинг зиммасига Солиқ Кодекси нормаларини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ўрганиб чиқиш, Кодекс нормаларининг амал қилиши юзасидан муаммолар аниқланганда уларни «Солиқ кодекси нормаларининг амал қилиши ва самарадорлигини мунтазам мониторинг ва таҳлил қилиш» Идоралараро ишчи гуруҳига тегишли тартибда киритиб бориш вазифаси ҳам юклатилди. Чунки Кодекс қанчалик мукаммал бўлса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик равнақида шунчалик муҳим аҳамият касб этиши турган гап.

Янги Солиқ Кодексини тарғиб этиш юзасидан жорий йилнинг ўтган январь-октябрь ойларида 2379 та семинар йиғилишлари, 440 та давра суҳбатлари ўтказилиб, уларда 238762 нафар солиқ тўловчилар фаол иштирок этган.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси билан белгиланган меъёрларнинг солиқ тўловчилар ва тадбиркорларга етиб бориши ҳамда улар томонидан қабул қилиниши, шунингдек, солиқ қонунчилигида жорий этилган янгиликлар самарасини (хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий фаолиятига таъсирини) ўрганиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси томонидан ўзбек ва рус тилларида сўровнома шакллари ишлаб чиқилди. Улар ҳудудий Давлат солиқ хизмати органлари орқали 23,0 мингга яқин йирик хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчиларига ҳамда тадбиркорлик субъектларига тарқатилиб, сўровномада кўтарилган масалалар бўйича тегишли жавоблар олинди.

Сўровномаларда қатнашган солиқ тўловчиларнинг деярли 75 фоизи Солиқ Кодекси билан тўлиқ танишиб чиққанлигини, 25 фоизи эса ўз соҳасига тегишли бўлган қисми билан танишганлигини, Кодексда белгиланган меъёрлар уларга тушунарли бўлиб, муаммоли масалалар ёки тушунмовчиликлар ҳамда нотўғри талқин қилинишлар деярли йўқлигини айтганлар ва солиқ қонунчилиги меъёрларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирганлар.

●●●

Мақолани шу ерда тўхтатиб, суҳбатдош бўлган қишлоқ мактаби муаллими ва бошқа ўқитувчиларга ҳам айтар сўзимиз, ҳозир солиқ тизимига оид ҳужжатлар, адабиётлар оз эмас. Улардан фойдаланилса, ўқувчилар билан учрашувларга мутахассислар таклиф этилса, ўйлаймизки, сабоғингиз янада мазмунли, маъноли ўтади.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

✓ Тадбир

ПАРКЕНТДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган муборак санани муносиб кутиб олишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Жойларда жонли мулоқот ва учрашувлар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент вилоятининг Паркент туманида бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқ шоирлари — Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тойир, ЎзМУ доценти, адабиётшунос А.Алимбековлар йиғилганларга Асосий Қонунимизнинг мазмун-моҳияти, фуқаролик бурчи, ҳақ-ҳуқуқи ҳақида гапирдилар. Ватан, ёшлик, инсонийлик мавзуидаги шеърлар янгради. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Тошпўлат Маткаримов, Анвар Ғаниев ижросидаги қўшиқлар меҳнаткашларга яхши кайфият бағишлади.

(Ўз мухбиримиз)

«ЁШ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ НЕГИЗИ»

Бугун ва эртага Тошкент шаҳрида худди шу мавзуда республика форуми бўлиб ўтади

Мазкур тадбир «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилмоқда. Кеча шу муносабат билан оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида матбуот анжумани ташкил этилди. Икки кунлик форум давомида «Энг намунали ёш оила» танлови бўлиб ўтади ва унда мазкур танловнинг вилоят босқичлари ғолиблари иштирок этишади. Қатнашчилар «Оилавий спорт — саломатлик гарови» мавзуидаги спартакиада, «Интеллектуал ринг» ва «Моҳир қўллар» беллашувлари ёрдамида синовдан ўтказилади. «Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ёш оилаларнинг ўрни» мавзуидаги илмий-амалий конференцияда эса ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилади.

Маъмуржон МАҲМУД

ОҒУФУРУШ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Қинғир ишнинг охири вой. У ташвиш ва ғалва келтиради. Жиноятга эса жазо муқаррардир.

Узунлик Субҳонқул Юнусов яқинда Сурхондарё вилоят Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан туманнинг марказий бозорида қўлга олинди. Унинг кўк елим халтаси кўздан кечирилганда, 3 килою 625 грамм «героин» борлиги маълум бўлди. Айни кунларда ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

ЯНГИ МАЪМУРИЯТДА МУДОФАА ВАЗИРИ



Роберт Гейтс Американинг янги сайланган президенти Барак Обама маъмуриятида ҳам мудофаа идораси бошлиғи лавозимида қолишга розилик билдирган. Унинг ушбу лавозимга тайинланиши АҚШда ноябрнинг охирги пайшанбасида нишонланадиган Миннатдорлик кунидан сўнг Обама томонидан эълон қилиниши кутилмоқда.

Америка оммавий ахборот воситалари хабарларига қараганда, Обаманинг миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси истеъфодаги генерал Жеймс Жонс бўлади. АҚШнинг БМТдаги доимий вакили лавозимини эса сайловолди кампаниясидан Обамага ташқи сиёсат бўйича бош маслаҳатчи бўлган Сьюзан Райс эгаллайди. Миллий разведка директори этиб истеъфодаги адмирал Денис Блэрнинг тайинланиши айтилмоқда.

МУХТОРИЯТ КЕНГАЙТИРИЛИШИНИ ЁҚЛАБ



Гренландия аҳолисининг кўпчилиги орол мухторияти ваколатини кенгайтирилишини ёқлаб чиққан, дея хабар қилади AFP. 25 ноябрда ўтказилган референдум якунлари бўйича оролнинг ўзини ўзи бошқариш ғоясини овоз беришда қатнашганларнинг 75,54 фоизи қўллаб-қувватлаган. Маҳаллий маъмурларнинг маълумотларига кўра, оролдаги овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 39 минг кишидан 71,96 фоизи референдумда қатнашган.

Айтиш керакки, Гренландия 1979 йилда Дания таркибида ўзини ўзи бошқариш мақомини олган. Референдумга мухторият ваколатини кенгайтириш ҳақида қўйилган масала Гренландия маъмурларига табиий ресурсларни тасарруф этишга имкон беради. Бундан ташқари, кенгайтирилган ваколат орол маъмурларига мустақил суд-тергов тизими ва ҳуқуқ-тартибот идоралари масалалари билан шуғулланишга, шунингдек, маълум маънода ташқи сиёсатни назорат этишга ҳам имкон беради. Қатор маҳаллий сиёсатчиларнинг фикрича, мухторият ваколатини кенгайтириш ҳақидаги референдум натижалари Гренландиянинг мустақил давлат сифатида эълон қилиниши йўлидаги қадам ҳам бўлиши мумкин.

АЭРОПОРТДАГИ ПОРТЛАШ

Бангкокнинг Суваннапум халқаро аэропортида чоршанба тонгида содир бўлган портлаш натижасида камида икки киши яраланган. Дастлабки хабар бўйича, улар аэропортни тўсиб турган мухолифат тарафдорлари бўлиб чиқди. Маълум бўлишича, Бангкокнинг собиқ аэропорти — Дон-Муангда ҳам шу куни иккита портлаш рўй берган. Бу худудда эса Таиланд бош вазирининг муваққат қароргоҳи жойлашган. Дон-Муангга олиб борувчи йўлда иккита гранатанинг портлаши оқибатида уч киши ярадор бўлган. Яна бир граната эса мухолифатчилар сешанба куни эгаллаб олган собиқ аэропорт биносида портлатилган. Полиция маълумотларига кўра, икки киши яраланган. Мухолифатчи «Демократия учун халқ иттифоқи» (PAD) жорий йил августидан буён Таиланд пойтахтида Санчават Вонгсеват ҳукуматининг истеъфога чиқишига қаратилган оммавий норозилик ҳаракатларини ўтказиб келаяпти. Олинаётган хабарларга қараганда, норозилик ҳаракатлари қатнашчилари ва амалдаги ҳукумат тарафдорлари ўртасида тўқнашувлар юз берган.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Қурилиш муддати
	Лот 1-2:	
Лот-1	Самарқанд тумани, Қайнама қишлоғидаги 26-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабини капитал реконструкция қилиш.	*6,5 ой*
Лот-2	Тайлоқ тумани, Тайлоқ қўрғонидаги Олимпия захиралари спорт касб-ҳунар коллежи сузиш сув ҳавзасини капитал таъмирлаш.	*4 ой*

Қурилиш ишлари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 1-уй, **телефон:** (8-366) 235-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона.

Факс: 233-32-00, тел: 231-13-51.

Танлов ҳужжатлари битта Лот тўпламининг қиймати — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдонида соат 10.00 да Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

❖ Реклама ❖ Реклама ❖ Реклама ❖ Реклама ❖ Реклама ❖ Реклама ❖ Реклама ❖ Реклама ❖

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

АМУ-ҚАШҚАДАРЁ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот №10-1. ***Нишон туманидаги «ЮК» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.***
Тозаланадиган зовурнинг узунлиги — **63,681 км.**
Қурилишни тугаллаш муддати — **4 ой.**
Бошланғич нархи — 555.303.627 сўм.

Лот №10-2. ***Нишон туманидаги «Д-13» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.***
Тозаланадиган зовурнинг узунлиги — **41,442 км.**
Қурилишни тугаллаш муддати — **4 ой.**
Бошланғич нархи — 410.696.912 сўм.

Буюртмачи — Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги гидрогеология мелиоратив экспедицияси.
Манзили — Қашқадарё вилояти, Қарши тумани, Гидроузел қўрғони.
Тел: (8-375) 226-01-78, 780-85-24.

Қурилиш ишлари буюртмачига Молия вазирлиги қошидаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасидан ажратилган маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

КОСОН ТУМАНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ КОРХОНАСИ

2008 ЙИЛДА ЎРТА ТАЪМИРЛАНИШИ МЎЛЖАЛЛАНГАН ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Косон тумани, Бойтерак қишлоғи автомобиль йўлини ўрта таъмирлаш.
Иншоотнинг бошланғич нархи — **19.307.529 сўм,** қурилиш муддати — **30 кун.**
Буюртмачи — Косон тумани ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш корхонаси.
Манзили — Косон тумани.
Қурилиш ишларини молиялаштириш — Косон тумани маҳаллий бюджети.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:
● етарли касбий ва техникавий малакага;
● иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига эга ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжуд бўлиши;
● молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига эга бўлиши;
● шартнома (контракт) тузишга лаёқатли бўлиши;
● юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши;
● тегишли ишлар бўйича махсус лицензияга эга бўлиши шарт.

Талабгор ташкилотларга буюртмачи томонидан белгиланадиган қонун доирасидаги бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун талабнома билан савдо ташкилотчиси: Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 46-а уйда жойлашган Қашқадарё вилоят капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Тел.: (993 75) 224-05-24, (993 75) 224-18-33, 224-09-06.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 70000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин «Буюртмачи» биносида ўтказилади.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- **«АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);**
- **«АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);**
- **«УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);**
- **«УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);**
- **«УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).**

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 232-21-22, 236-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

«Интеграл плюс» шўъба корхонаси тугатилади.
Даъво ва эътирозлар 2 ой муддат ичида Бектемир тумани Х.Бойқаро кўчаси 51-манзилда қабул қилинади.

Мулоҳаза учун мавзу

МИНГ ДАРДГА ДАВО НЕЪМАТ

ёки асаларичилик муаммолари ва уларнинг ечими хусусида айрим мулоҳазалар

Тоза, табиий асалнинг таъриф-тавсифи ва унинг инсон саломатлигини мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳаммага маълум. Шифокорларнинг айтишича, тоза асал мунтазам истеъмол қилиниши — инсон танасининг турли хасталикларга қарши курашиш қобилиятини оширади. Қоларверса, ундан жуда кўп касалликларни даволашда кенг қўлланилади. Шундай экан, дармондориларга бой, минг дардга даво неъмат — асал ишлаб чиқаришнинг бугунги аҳволи қандай ва бу йўналишда яна нималарга эътибор қаратиш зарур, — деган савол туғилиши, табиий.

Мамарасул ЭРКАБОЕВ, Жиззах вилоятининг Бахмал туманида истиқомат қилувчи тажрибали асаларичи:

— Асални ҳаммамиз яхши кўрамиз. Лекин уни етиштириш осон эмаслиги, ўзига хос машаққатлари борлигини кўпчилик билмаслиги мумкин.

Шу борада қисқагина изоҳ бериб ўтсам: одатда асаларилар оила-оила бўлиб яшайдилар. Битта оила — бир она асалари, бир неча минг ишчи ва юзга яқин эркак асаларилардан иборат бўлади. Она асалари 4-5 йилгача яшайди, минглаб тухум қўяди, оилани бошқаради, лекин у нектар ва гул чанги йиғмайди. Тажрибали асалчилар она асаларини ҳар 2-3 йилда янгилаб туришади.

Асалари оиласи бир мавсумда ўртача 130-150 литр асал тўплайди. Шундан 100 литри ўзларининг эҳтиёжига сарфланса, қолгани ажратиб олинади. Асалчи она асаларини ишчисидан, ҳар иккисини эса эркак асаларидан фарқлай олиши, уларга зиён-заҳмат етказувчи ҳашаротлардан қўриқлаши ҳамда ғумбакда пайдо бўладиган чириш, заҳарланиш каби касалликларнинг олдини олиши керак. Булардан хабардор бўлмасдан, асал етиштираман, дея хомтама бўлмаган маъқул.

Шу ўринда бу «илм»ларни ким ўргатади, қаерда ўрганса бўлади, деган савол туғилади. Ҳозирча ҳеч қаерда. Фақат тажрибали асаларичига шогирд тушиб ўрганиш мумкин, холос. Боз устига, соҳадаги таъминот масаласи ҳам асаларичиларни қийнаб келаяпти. Ҳар қайси асаларичи шакар ва бошқа маҳсулотлар, асални йиғиб оладиган махсус асбоб-ускуналар, вагон-уй, керакли техника воситаларини елиб-югуриб, ўзи топиши керак бўлмоқда. Ҳолбуки уларни марказлашган ҳолда ташкил қилиш у қадар мушкул муаммо бўлмаса керак...

✧✧✧

Одатда, бозор расталари, йўл бўйларида асал кўп сотилади. Хусусан, Жиззах шаҳридан чиқиб, Самарқанд томон кетаётганингизда катта йўл бўйига ҳеч разм солганмисиз? Ҳар қадамда олма ва асал сотаётганларга кўзингиз тушади. Катта-кичик шиша банкаларда шундоққина йўл четида сотилаётган бу асалларнинг кўриниши ҳам, мазаси ҳам, қуюқ-суюқлиги ҳам турфа хил. Ҳамма ўзининг асалини «Тоза, тоғ асали, пули ўзингиз билан кетади», деб мақтагани-мақтаган. Тўғриси, олмоқчисизу, лекин қайси биридан олишни билмай турибсиз. Маҳсулот сертификати, лаборатория хулосасини сўрасангиз, сотувчилар елка қисишади. Шунда сизни харидор сифатида «ўзи асалнинг қандай турлари бор, қайси бири яхши, тозасини нотозасидан қандай фарқлаш мумкин?» — деган саволлар ўйлантириши, табиий.

Фарида ЖАББОРОВА, Пахтакор шаҳарчасидан:

— Соф асал излаб катта йўл бўйидаги Бахмалсой бозорига бордим. Серобчилик. Ҳамма сотувчилар ўз асалларининг тоза, табиий эканлигига кафолат бериб туришибди. Танлай-танлай биттасидан икки литрлик шиша банкага жойланган асални фалон пулга харид қилдим ва қувониб уйга келдим. Афсуски, хурсандчилигим шу ерда тугади. Ойижоним олиб келган асалимни сохта эканлигини айтганда ангрийиб қолдим. Ваҳоланки, асал сотувчига шифо учун олаётганимни, тоза асал зарурлигини қайта-қайта айтгандим. Шундай бўлса-да, алдашдан тап тортмайдиган бундай кимсаларга нима дейиш мумкин? Яхшилар бор экан, онам учун зарур тоза асални топдим. Лекин шундоққина катта йўлда куп-кундузи мен сингари тоза билан нотоза асалнинг фарқига бормайдиган кишиларни алдаб, мўмай пул топаётган ноинсофларни ким инсофга чақиради, уларнинг қилмишларига ким ва қачон чек қўяди?

Владимир САЛОМАТИН, Жиззах шаҳрида истиқомат қилувчи асаларичи-мутахассис:

— Одамлар орасида асал асосан икки турга фарқланади: тоғ асали ва чўл-дашт асали. Тоғ асали юқори сифатли ҳисобланади, табиийки, нархи ҳам шунга яраша. Тоғ асали кўпроқ жойнинг номи билан, масалан, Зомин, Бахмал асали деб тавсифланса, чўл ва дашт асали қайси ўсимликдан олинган бўлса, ўшанинг номи билан — дейлик, янтоқ, ковул, пахта асали, деб юритилади. Тоғ асали турфа хил доривор гиёҳлар гулидан йиғилганлиги сабабли ранги тўқ, кўпинча тилларанг бўлади ва ҳар олиш, шунингдек, қишлоқ хўжалик экинлари, мевали боғларни чанглатиш учун асраб келинган.

Сойибназар МУСАЕВ, Дўстлик туман марказий касалхонасининг олий тоифали шифокори:

— Тиббиётда «прополис» деб юритилувчи асалари елими шифобахшлиги билан машҳур. Прополис юмшоқ, ёпишқоқ, хушбўй, нордон сарғич-яшил ёхуд жигарранг модда бўлиб, смола, мум, эфир мойи ва гул чангидан ташкил топган. Таркибида витаминлар, ароматли (хушбўй) кислоталар бор. Асалари елими микробларни ўлдириш хусусиятига эга бўлгани учун ҳам суртиладиган малҳамларга қўшилади. Ҳатто, асалари заҳари ҳам шифобахш ҳисобланади. У — тиббиётда апитоксин, деб номланади, ўткир ҳидли, аччиқ, оч-сариқ, шаффоф суюқлик. Унинг таркибида биологик фаол моддалар, ферментлар, аминакислоталар ва бошқа фойдали моддалар бор. Ундан радикулит, бод сингари касалликларни даволашда фойдаланилади. Ишчи асалари мум безларида ишлаб чиқарилган ёғсимон суюқлик эса асалари муми, дейилади ва унинг таркибида 300 хилдан ортиқ фойдали элементлар мавжудлиги аниқланган. Демак, асаларичиликни ривожлантиришдан тиббиётимиз жуда-жуда манфаатдор.

✧✧✧

Ҳамма жойдаги каби Жиззах вилоятида ҳам асаларичилар, асал етиштириб, кўпчилик дастурхонига тортиқ қилишни, одамлар саломатлигини яхшилашга ҳисса қўшишни ният қилиб яшаётганлар, ишлаётганлар оз эмас. Кўклам. ёз, куз ойларида тоғу даралар, дашт ва чўллар бўйлаб юрсангиз, қаердаки, экин-тикин, дов-дарахт, ўсимлик, гулу гулзор бўлса, ўша ерда бундай фидойи кишиларни тез-тез учратасиз. Тўғри, асаларичилар орасида тажрибали, кўп йиллардан бери шу соҳанинг нонини еб келаётганлари ҳам, кечагина бу ишга қўл урган бошловчи-ю, шунчаки ҳаваскор-ишқибозлар ҳам бор. Шу боис, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар орасида соф, тоза, табиийлари билан бирга «қўлбола» — нотозалари ҳам оз эмас.

Биз ўз ҳолича, билганича ишлаб юрган юзлаб асаларичиларни, соҳа ишқибозларини ўзаро бирлаштирадиган, бошини қовуштирадиган уюшмами, жамғармами бордир, деган фикрда айрим ҳокимлик ва идораларга мурожаат қилдик. Афсуски, аниқлай олмадик. Бу соҳанинг ҳисоботи ҳам, сифатининг назорати ҳам йўқ. Қатор асаларичилик хўжаликлари тугаб кетган, деган гапларни эшитдик.

— Қирқ йилдан ошди, асалари боқиб, асал етиштираман, — дейди Олой бозорида савдо қилаётган қибрайлик **Лидия Тимошенко.** — Асаларичилар жамияти бор деб эшитамиз. Аммо бизга ундан ҳеч қандай наф йўқ. Зарур дори-дармонлар ва анжомлар олиш учун ўзимиз чопамиз.

— Бир килограмм асалнинг нархи қанча? — сўраймиз ундан.

— Бугун 10-12 минг сўм туради. Сабаби «Шури» номли қушлар асалари асални йиғиш вақтида уларни еб битиришаяпти. Шунинг учун ҳам кўпгина жойларда, дўконларда ҳақиқий асал ўрнига «қиём» сотилаётир. Агар бу соҳа тартибга солинса, савдога чиқарилаётган маҳсулотлар кўрикдан ўтказилса, ҳақиқий асаларичиларга ҳам, одамларга ҳам фойда бўларди. Асал тозами, нотозами, сифатлими, «қўлболами», деган шубҳагумонларга ҳам маълум даражада чек қўйиларди.

— Асаларичиликни ривожлантириш учун зарур бўлган «Варатос», «Апситант» сингари дори-дармонларни валюта эвазига Россиядан кимлардир орқали ўзимиз келтирмоқдамиз. Бундан ташқари зарур материаллар ҳам республикамизда кўп ҳолларда топилмаяпти, — дейди яна бир асаларичи Вера Тимченко.

Баҳром УМАРОВ, Мирзачўл туманидаги «Истиқлол» фермер хўжалиги раҳбари:

— Ери, гул чанги ва нектар учун етарли экинзорлари бўлатуриб, орамизда асаларичилик билан шуғулланаман, деб кўкрак кериб чиқаётганлар жуда кам. Назаримда, бунинг биринчи ва асосий сабаби асал етиштиришдек нозик ҳунардан хабарсизлигимиз...

Кўриниб турибдики, асаларичиликка дахлдор катта-кичик муаммолар оз эмас. Лекин уларни жойларда ҳамжиҳатлик билан ҳал қилиш имконияти бор. Бу ҳақда мутасадди ташкилот раҳбарлари ва мутахассислар фикрлаб кўришса, асаларичилик ривожланади, халқимизни бу шифобахш неъмат билан таъминлаш янада яхшиланади деб ўйлаймиз.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

СЕРВЕР ЖЕПАРОВ – ОСИЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ

Осиё футбол конфедерацияси томонидан ўтказилган сўровга мувофиқ, «Бунёдкор» (Тошкент) ҳамда Ўзбекистон миллий терма жамоаси ярим ҳимоячиси Сервер Жепаров Осиёнинг 2008 йилдаги «Энг яхши футболчиси», Равшан Эрматов эса «Энг яхши ҳаками» деб топилди.

Спорт

Шанхай (Хитой)да ОФКнинг йил якунларига бағишланган анъанавий тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди. Қитъамизнинг 2008 йилдаги «Энг яхши футболчиси» номинациясида кураш бир йўла беш номзод ўртасида борди: Ясухито Эндо, Ёжи Наказава (Япония), Сервер Жепаров (Ўзбекистон), Себастьян Куинтана Сориа (Қатар) ҳамда Исмоил Матар (Бирлашган Араб Амирликлари). Номзодлар орасида ҳамюртимиз 26 ёшли Сервер Жепаровнинг маҳорати юқори баҳоланди. Иқтидорли футболчимизга совринни ОФК президенти Муҳаммад Бин Ҳаммам топширди ва унга омад тилади.

— Аввало, бу эътироф мамлакатимиз футболига берилган юксак баҳо, — деди Сервер Жепаров тантанадан сўнг журналистларга берган интервьюсида.

Йилнинг «Энг яхши ҳаками» номинациясида яна бир ҳамюртимиз Равшан Эрматов ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Суриялик Таммам Хамдун «Энг яхши рефери ассистенти», малайзиялик Қамаруддин Сахарий эса «Энг яхши комиссар», деб эътироф этилди. Бундан ташқари, БАА вакили Аҳмад Халил — «Энг яхши ёш ўйинчи», эронлик Воҳид Шамсаи — футзал бўйича «Энг яхши ўйинчи» ҳамда Эрон футзал ассоциацияси — «Энг яхши миллий ассоциация» совринларини қўлга киритди.

Шунингдек, бошқа номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, совринлар топширилди.

Эркин ХОЛБОБО

ДРЕЗДЕНДАН ДАРАКЛАР

Германиянинг Дрезден шаҳрида 38-бутунжаҳон шоҳмот олимпиадаси ниҳоясига етди. Унда мамлакатимиз эркаклар (Рустам Қосимжонов, Сайдали Йўлдошев, Жўрабек Ҳамроқулов, Алексей Барсов, Шуҳрат Сафин) ва аёллар (Ольга Собирова, Нодира Нодиржонова, Нафиса Мўминова, Ирина Геворгян, Ҳулкар Тоҳиржонова) терма жамоалари ҳам иштирок этишди. Шунингдек, заиф эшитувчилар жаҳон терма жамоаси сафида ҳамюртимиз Сирожиддин Зайниддинов ҳам дона сурди.

Халқаро шоҳмот федерацияси (FIDE) ушбу олимпиадани ташкил этиш тартиб-қоидасига ўзгартиш киритди:

— швейцарча тартибда ўтказиладиган мусобақа ўн бир турга қисқартирилди (олдинги олимпиадалар ўн тўрт турдан иборат эди);

— аёллар терма жамоалари ҳам эркаклар терма жамоалари каби тўртта тахтада мусобақалашишди (илгари аёллар учта тахтада дона суришарди);

— баҳсларда умумий ҳисобга кўра ғолиб чиққан жамоага 2 очко, агар учрашувда дуранг қайд этилса, ҳар икки жамоага бир очкодан ёзилди, мағлубиятга учраган жамоага очко берилмади (илгариги олимпиадаларда жамоаларнинг тўплаган очколари қўшиларди).

1992 йил Манилада ўтказилган олимпиадада терма жамоамиз сафида кумуш медалга сазовор бўлган Сайдали Йўлдошев бу сафар терма жамоамизга мураббийлик қилди ва ўзи ҳам вақти-вақти билан дона суриб турди. Эркаклар терма жамоамиз олимпиадада бир текис ўйнай олмади, ёрқин ғалабалардан кейин муваффақиятсизликка учрашди. Буни жамоамизнинг турлар бўйича кўрсатган натижаларидан билишингиз мумкин.

Шундай қилиб, эркаклар терма жамоамиз олимпиадада 5 бор ғалаба қозонди, 2 учрашувда дурангга эришди ва 4 марта мағлубиятга учради. Умумий ҳисобда 12 очко тўплаган ҳолда 50-ўринни эгаллади. Эркаклар мусобақасида фахрли ўринларга қуйидаги жамоалар кўтарилишди: Арманистон — 19, Исроил — 18, АҚШ — 17 очко.

Тажрибали шоҳмотчиларимиздан бири бўлган Владимир Егин мураббийлигида олимпиадага ҳозирлик кўрган аёллар терма жамоамиз дастлабки турда мағлубиятга учраган бўлишига қарамай, кейинги тўртта турда ғалаба қозонди. Лекин олтинчи турдаги мағлубият уларнинг кейинги ўйинларига салбий таъсир кўрсатди.

Шундай қилиб, аёллар терма жамоамиз олимпиадада 6 ўйинда ютди, 2 учрашувда дуранг қайд этди, 3 та ўйинда ютқазди. Умумий ҳисобда 14 очко жамғариб, мусобақа жадвалида 22-ўриндан жой олди. Аёллар мусобақасида совринли ўринлар Грузия (18 очко), Украина (18, қўшимча кўрсаткичларга кўра иккинчи бўлди), АҚШ (17) жамоаларига насиб қилди.

Заиф эшитувчилар ўртасида икки карра жаҳон чемпиони Сирожиддин Зайниддиновнинг шахсий кўрсаткичи кичикроқ бўлгани учун у учта ўйинда иштирок этди. Лекин олимпиадада қатнашиш Сирожиддин учун катта тажриба мактаби бўлди.

2010 йилда бўладиган бутунжаҳон шоҳмот олимпиадаси Россиянинг Ханта-Мансийск шаҳрида ташкил этилади.

А.БЕК

Мактаб ҳақида сўз кетганда, болаликнинг бетакрор хотиралари, умид ўйлари ёдга тушади. Онангдек меҳрибон, азиз, севимли ўқитувчинг, беғам беташвиш юрганларинг эсга тушганида, беихтиёр кўзларингда соғинч ёшлари пайдо бўлади. Ўша олис болаликка қайтиб, мунис дамларда қолиб кетгинг келади.

ДИЙДОР ДАМЛАРИ

Ана шундай соғинч сабаб яқинда Тошкент вилояти, Паркент туманидаги 6-ўрта мактабни битирган ўқувчиларнинг 30 йиллик учрашув кечаси бўлиб ўтди. Элликни қоралаётган тенгдошлар синфдаги парталардан ўз жойларини эгаллашди, дарс бошланди. Бу том маънодаги ҳаёт сабоғи эди. Ҳа, бугун партада ўтирганларнинг сочларига оқ оралаган, муаллимнинг нуроний чеҳрасини ҳар бир шогирддан бир нишон бўлган ажинлар қоплаган...

Сукунатни синф раҳбари, «Шуҳрат» медали соҳиби Нуриниса Зукированинг сўзлари бўлди:

— Мана, бугун сизларни кўриб илк ўқитувчилик йилларим ёдимга тушди. Ўшанда жажжи болажонлар эдингиз. Қаранг, орадан шунча йиллар ўтибди. Бу орада қанчадан-қанча ўзгаришлар, янгиланишлар юз берди. Ўша давр эсингиздами? Жуда кўп қийинчиликлар бўлар эди. Китоблар етишмас, хоналар нимқоронғу, қиш совуғи сабаб дарсларимиз қолиб кетар эди. Бугун эса мактабларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб кетди.

Шу кунларда нафақадаман, бироқ, бу саодат замонида ишламасдан ўтиришни ҳеч ҳам тасаввур қилолмайман.

— Мен сизни ўз онамдек яхши кўраман, — дейди собиқ ўқувчи бугунги кунда тумандаги 26-ўрта мактаб ўқитувчиси Сожиби Рисқибоева. — Сиз сабаб ўқитувчилик касбига меҳр қўйдим.

— Бугун биз мана шу улуғ даргоҳда орадан ўттиз йил ўтиб учрашдик. Яна бир синф бўлдик. Болалик хотираларини биргаликда ёд олаяпмиз. Мактаб эшигидан кирар эканман, бугун ёш авлодга жуда катта имкониятлар яратилганлигини юрақдан ҳис қилдим, — дейди Руҳиддин Ҳусанов. — Бир пайтлар бизга дарс берган, катта ҳаёт йўлини кўрсатган азиз устозларимиз бугун бизнинг фарзандларимизга ҳам мураббийлик қилмоқдалар. Сизларнинг меҳнатингиз олдида биз бир умр қарздормиз!

Абдусалим МАҲМУДОВ, ЎзМУ магистри

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat'yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Asror MO'MINOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 1049
7955 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 22.30
7
Sotuvda erkin narxda